



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛНИ
БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ
ОЛИЙ МАКТАБИ



ЎЗБЕКИСТОНДА
ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ

«Complex Print» нашриёти
Тошкент - 2022

Ҳамза ҚАЛАНДАРОВ
(Бухоро давлат университети)

СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎҚИТИЛИШИ ВА СИЁСАТШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ

Мамлакатимиз сабиқ Иттифоқ таркибида бўлган йилларда сиёсий фанларни ўрганиш ва ўқитиш ишларига ўта эътиборсизлик билан қаралиб, бундай фанлар буржуа фани, илмга зид таълимот сифатида кўрилган, уларни ўрганиш ва ўқитиш батамом тақиқлаб кўйилган эди. XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларнинг бошларига қадар сабиқ Иттифоқда сиёсатшунослик фанига доир биронта ҳам китоб нашр қилинмаган, дарслер ёки ўкув қўлланмаси ёзилмаган. Фақат 60-йилларнинг ўрталарига келиб, айрим жамиятшунос ва ҳуқуқшунос олимлар бу фаннинг баъзи масалаларини ёритишга доир илмий мақолалар билан чиқа бошлаган эдилар. Иттифоқ тарқалиб кетгунга қадар бирор ўкув юртида алоҳида ўкув предмети сифатида киритилмаган.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда сиёсий фанларни ўрганишга ва уни ривожлантиришга реал имконият пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов «Миллий истиқбол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir» деган маъruzасида «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими – уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотига эришувида катта таъсир кучига эга», дея таъкидлаган эди¹.

Истиқболнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз ўкув юртларида ўкув дастурларига бир қатор сиёсий фанлар киритилди ва ўқитила бошланди. Ўзбекистонда 1993 йилдан сиёсатшунос кадрлар тайёрлаш йўлга кўйилди. Ўша вақти ушбу касб давлатнинг демократик ривожланиши учун керакли бўлган муҳим касб дея кўрилган. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлардаги сиёсатшунослик факультетлари фаолияти юритиб, ҳар йили юзлаб кадрлар тайёрланган. Илмий кенгашлар фаолияти йўлга кўйилиб, бир қатор ўзбек сиёсатшунос олимлари «Сиёсий Фанлар Халқаро Ассоциацияси» (ИПСА)га ҳам аъзо бўлишган. Мустақил сиёсатшунос Фарҳод Толипов таъбири билан айтганда, «Мустақиллигимизнинг илк давридан бошлаб, сиёсатшунослик Ўзбекистонда янги давр рамзи сифатида ўқитилиши бошланган эди. Ёш, мустақил давлатнинг тараққиётига ўз

¹ Каримов И.А. Миллий истиқбол мағкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 26.

ҳиссасини қўшиш ниятида минглаб ёшлар сиёсатшуносликни ўз касби сифатида танлади. Янги давлат ва янги фан бир-бирига ҳамоҳанг эди». Бироқ кейинчалик сиёсатшунослик фанинг ўқув дастурларидан олиб ташланиб, олий ўқув юртлари сиёсатшунос мутахассислар тайёрлашни тўхтатади. Бу ишларга изоҳ сифатида сиёсатшунослик фанининг предмети бошқа фанларда ҳам тақрорланаётганлиги, сиёсатшуносликда илмий методология йўқлиги ва ниҳоят, илмий адабиёт Ғарбда кенг тарқалган назариялар тўғрисида кўпроқ маълумот бериб, ўзимизга хос тараққиёт йўлимиз, «Ўзбек модели»нинг атрофлича тушунтирилмаётганлиги, сиёсатшуносликнинг мазмуни ва таркиби замонавий талабга жавоб бермаётганлиги ҳақида хulosага келинганлиги айтилди. Хуллас, 2012–2013 ўқув иили бўйича охирги битирувчилар ушбу соҳада дипломларини олган ва сиёсий фанларни ўқитиш ҳамда кадрлар тайёрлаш жараёни тўхтатилган эди.

Жаҳон сиёсий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар ўзини маърифатли деб ҳисоблаган ҳар бир кишидан сиёсатни чуқурроқ билишни, у билан шуғулланишини талаб этади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг эркинлашуви инсонлардан сиёсатни чуқурроқ идрок этиш, сиёсий жараёнларда фаол қатнашишини тақозо қила бошлади. Президент Ш. Мирзиёев ўзининг «Янги Ўзбекистон стратегияси» китобида таъкидлаганидек, ҳалқимизнинг сиёсий тафаккури ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганлиги, атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча, ислоҳотларимизга дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда¹. Президент фикрини давом эттириб, «Айни пайтда ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадларини тарбиялашимиз зарур»лигини баён этади. Бундай мақсадга эришишда сиёсий фанларнинг, сиёсатшунос кадрлар тайёрлашнинг аҳамияти бекиёс.

Бу борада 2019 йил 29 январда қабул қилинган «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4139-сонли Президент қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорни қабул қилишдан мақсад:

- сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш;
- фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асослари шаклланиши ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш;
- глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

¹ Mirziyoyev Sh. Yangi O'zbekiston strategiyasi. –Toshkent: O'zbekiston, 2021. – B.19.

- шу асосда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалардир.

Қарорга мувофиқ Сиёсатшунослик кафедраси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

- илғор хорижий тажриба ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
- жаҳон сиёсатидаги энг янги тренд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда халқаро даражадаги илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;
- «Сиёсатшунослик» фани бўйича ўқув жараёнини мазмун жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари ва режаларини тайёрлаш;
- ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини илгари суриш соҳасида Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиқкан ҳолда таълим бериш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг юқори даражасини таъминлаш;
- сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати, халқаро иқтисодиёт ва менежмент, халқаро ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини ўқув жараёнига ҳамда тегишли ўқув режалари ва дастурларига татбиқ этиш¹.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ҳам 2020-2021 ўқув иилидан бошлаб «Сиёсатшунослик» йўналишида мутахассислар тайёрлаш бошланди.

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсат ва дипломатик фаолиятида Шарқ мамлакатлари асосий устувор йўналиш эканлигини эътиборга олган ҳолда қайд этиш мумкинки, бугунги кунда етук ва профессионал шарқшунос-сиёсатшунос кадрларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ушбу жараёнларда Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатларини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг тажрибаси ва салоҳиятини илмий жиҳатдан тўғри баҳолаш ҳамда холисона хулоса чиқариш сингари масалалар шарқшунос-сиёсатшунослар олдида турган долзарб вазифалардандир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелда қабул қиласан «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам Шарқ мамлакатлари сиёсати, уларнинг халқаро майдондаги нуфузи, Шарқ замонавий сиёсий жараёнларини илмий жиҳатдан ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Siyosiy fanlar sohasida kadrlarni tayyorlash, fundamental va amaliy tadqiqotlar samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 2019 yil 29 yanvardagi PQ-4139-sonli qarori <https://lex.uz/ru/docs/-4182353>.

маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш масалалари алоҳида қайд этилади¹.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, юқоридаги ҳужжатлар мамлакат раҳбарининг стратегик вазифаларни олдиндан кўра билиб, қарорлар қабул қилаётганлигини англаатади. Зеро, бугунги кун мамлакатимиз ташки сиёсати ва дипломатик фаолиятида дунё мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантириш ҳалқаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, турли ташки хавфларга ва таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш, инсоният учун ўта муҳим бўлган вазифаларни биргаликда ҳал қилиш масалалари ҳар қачонгидан-да устувор аҳамият касб этайдиганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Бунинг учун эса мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳалқаро майдонда илгари суриш ва уни ҳимоя қилиш, миллий тараққиётига қаратилган ҳар қандай омилдан самарали фойдаланиш, инвестицион салоҳиятини ошириш ва уни жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш лаёкатига, қобилиятига эга бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳам мамлакат ижтимоий-сиёсий фаолиятининг муҳим қисми сифатида майдонга чиқмоқда. Чунки мамлакатимизнинг дунё миқёсида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши, ҳалқаро майдонда катта обрў-эътибор қозонишининг энг асосий шарти ва омили – чуқур таҳлилий тафаккурга эга кадрлардир.

**Садриддин РАХИМОВ, доктор философии
по историческим наукам (PhD)
(Университет журналистики и
массовых коммуникаций Узбекистана)**

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОЙ ПОЛИТОЛОГИИ КАК НАУКИ И УЧЕБНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

Политология, являясь наукой о политике, занимает видное место среди наук об обществе, основными направлениями исследований которой являются закономерности формирования и развития системы институтов государственного управления и гражданского общества, политической власти, формы и методы ее функционирования в обществе, а также политические системы, политические режимы, политическая культура и др.

Возникновение политологии как самостоятельной науки

Политическая мысль, знание о политике своими корнями уходит вглубь веков, насчитывает более двух тысяч лет. Наука о политике, будучи

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Sharqshunoslik sohasida kadrlar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish va ilmiy salohiyatni oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 2020 yil 26 apreldagi PQ-468-sonli qarori. <https://lex.uz/docs/-4791086>

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	3
-------------------	---

Биринчи бўлим.

СИЁСИЙ ФАНЛАР СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Утамуратов А.	Ўзбекистонда сиёсатшунос кадрлар тайёрлаш: ҳолати ва вазифалари	5
Саттаров Ф.Ф.	Современное состояние развития политических наук в Университете мировой экономики и дипломатии	10
Отамуратов С.	Политология – сиёсатшунослики ёхуд фаннинг номланишидаги чалкашликлар ва муаммолар ҳақида мулоҳазалар	17
Эргашев И., Абдуллаев Б.	Сиёсатшунос кадрларни тайёрлашда дунё тажрибаси ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари	22
Бердиев Б.О.	Профессионал сиёсатшуносларни тайёрлаш ва сиёсий фанларнинг имижини юксалтириш масалалари	27
Ҳайитов У.А.	Сиёсатшунос кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалалари	30
Шарапов А.А.	Политические науки сегодня	36
Қаландаров Ҳ.	Сиёсий фанларнинг ўқитилиши ва сиёсатшунос кадрлар тайёрлаш масаласи	39
Рахимов С.А.	Становление и развитие современной политологии как науки и учебной дисциплины.	42
Ташев Қ.О.	Сиёсий таҳлилчилар тайёрлашга янгича ёндашувлар	47
Тешабоев А.А.	Ўзбекистонда сиёсий консалтинг институтини ривожлантириш муаммолари хусусида.	50
Хурматбеков А.Х.	Сиёсий консалтинг соҳасида кадрларни тайёрлаш масалаларига оид	57
Рахманов Б.М.	Сиёсий таҳлилчилар тайёргарлигида чет тилларининг аҳамияти	61

Иккинчи бўлим.

СИЁСАТШУНОСЛИККА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Қирғизбоев М.	Сиёсатшунослик фанининг таълим ва амалиёт уйғунлиги асосида ривожланиш масалалари	66
Атаев М.И., Таджиев Ш.Ш.	Политология в Узбекистане: каких результатов ждет от нее общество и государство?	75